



Дунёдаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро алоқалари инсониятнинг ўзи каби кадимий, моддий-маънавий омилларининг ўзи сингари серкиррадир. Бу диалектик тараккиёт тарихининг ибтидосига канчалик чуқур назар ташланса, жaxon халкларининг тақдирдошлиги, хамкадамлиги, бир-бири учун масъулияти шунчалик равшанрок сезила боради. Айни чоқда муайян ижтимоий тараккиёт палласидаги халкларнинг истикболга йўналтирилган мақсад, интилишларида худди шундай чамбарчас богликликларни хис этмаслик мумкин эмас.

Дини, тили, урфи, дунёкараши якин миллатларда маданий-маънавий муносабатлар мароми янада жипслирок, кўтаринки па кўламлирок кечган. Халқаро алоқанинг беҳад жозибадор шаклларида бири бўлган ўзаро адабий таъсирланиш мисолида ҳам хамиша турфа холат-ходисаларни, долзарб вазифа-муаммоларни кузатмок мумкин.

Чунончи, туркий халкларнинг сўз санъати сарчашмалари ягоналиги ва бирлиги билан характерланади. Хатто турли ижтимоий ўзгаришлар, алохидалашиш даврларида ҳам муштарак адабий анъаналар устуворлик ва давомийлик мохиятини йўкотмаган. Табиийки, бу эзгу хол халкларнинг иймон-эътикод йўсини, турмуш-мухит тарзи хамоханглиги билан изоҳланади. Тараккиётнинг шундай ажиб конунияти боис узок мозийдан отиб келган катор-катор битиглар, бадий намуналар умумтуркий обидалар саналади. Шундай табиий тарихий жараён боис бугунги ўзбек, козок, уйгур, киргиз, турк, туркман, коракалпок ва бошка миллатлар ўтмишдаги ўнлаб алломалари ижодларидан бирдек ифтихор хиссини туядилар. Уларнинг асарлари рухида ардокли миллий кадриятлар тараннумини ва умуминсоний гоёлар тажассумини кўрадилар.

Хазрати Навоий «Лисон ут-тайр» достонидаги фахрия байтида «Турк назмида чу тортиб мен алам Айладим ул мамлакатни яккалам» дер экан, «мамлакат» калимаси оркали туркийлар яшайдиган барча диёрларни назарда тутати. Асарларига «Етти иклим элин» эхтиёжманд бўлмогини орзулайди («Сабъаи сайёр» достони). Халқ турмушидаги эзгу миллий кадриятлар каби муайян адабий кадриятларнинг умумбашарий туйгуларга уйғунлик касб этгандагина улугвор бўлишини шоирнинг лирик кахрамони чуқур англайди. «Лайли ва Мажнун» достонининг хотимасида шундай мисралар бор:

Мен туркча бошлалон ривоят
Килдим бу фасонани хикоят,

Ким шухрати чун жахонга тўлгай,
Турк элига доги бахра бўлгай...

Тор ва махдуд махаллийчилик, уругчилик қобигида яшамок хавфини Шарк мутафаккирлари, бинобарин, туркигўй адиблар барча асрларда коралаб келганлар. Халкни яхши ниятлар ила уюшмоққа, жахон микёсига чиқмоққа даъват этганлар. XVII аср шоири Турди Фарогий газалининг куйидаги машхур байтлари ўз гоёларига кўра ҳамон ибратли:

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, кенглик килинг,
Тўксон икки бори ўзбек юртидур, тенглик килинг.
Бирни кипчогу хитою, бирни юз, найман деманг,
Кирку юз, минг сон бўлиб бир жон ойинлик килинг...
Ким кўйибдур ухдаи ўз мулкунгаздин чиқмайин,
Икки, уч, тўрт даъвосин этмокни кўтахлик килинг.

Минтаканинг бепоён ҳудудларида уруг-аймоқлар сифатида ҳоҳ пароканда, ҳоҳ марказлашган ҳолда яшаса-да, мудом маънавий бирдамликка интиланган туркийларнинг ўзга эл-элатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилиб келганлиги улар тарихининг ёркин йўналишидир. Бу фазилат адабий алоқалар борасида ҳам ранг-баранг тамойиллари билан намоён бўлган. Қон-қардошлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик-ҳамнафаслик, она-сайёра узра барча халқларнинг яқдиллиги ва бахтиёрлигини юксак мудло даражасига кўтариш — туркий сўз санъатининг жиддий гоёвий-эстетик хусусиятларидан. Чунончи, Навоийнинг «Ҳамса»сига мансуб «Садди Искандарий» ҳамда «Фарход ва Ширин» дostonларида эл-юртлар ҳамдўстлиги гоёси ўша замон ўзбек халқининг идеалларини кўтаринки савияда ифода қилган эди. Шоир Садди Искандарийга — адолатли подшоҳ Искандар қурдирган деворга катта рамзий, ҳаётий-фалсафий маъно юқлайди. Бу девор — ёмонликнинг ҳужумини тўсувчи, осойишталик истаган халқларни паноҳида асровчи девор. Уни дунёнинг турли бурчакларидан келганлар: Европа, Франция, Рум, Шом, Хитой, Рус мамлакатининг вакиллари қурадилар. «Фарход ва Ширин» асарида эл-улуслар муштараклиги руҳи хитойлик йигитнинг, армани кизнинг, уларга садокатли эронлик дўстнинг ҳаёллари, орзулари, муносабатлари, саъй-ҳаракатлари мантикий негизини белгилайди.

Талай туркигўй истеъдод соҳибларининг зуллисонайн бўлганликлари, араб, форс, юнон юртлари адабиётларидан юқори бахраманглик мавқелари, таржима мактабларини яратганликлари, ўз ўрнида туркий ижодларининг бошқа миллатлар маънавиятида эҳтиром уйғотиб келганлиги қадим адабий алоқаларнинг гоёят кенг кўламли бўлганлигидан далолат беради.

Йигирманчи асрнинг ижтимоий-сиёсий тараккиёти халқларимиз турмуш тарзида нечоғлик мураккаб ўзгаришлар вужудга келтирган бўлмасин, нечоғлик жугрофий бўлинишлар, нечоғлик тоталитар мафкура жорий этган бўлмасин, миллат-элатлар тақдирида ижобий кадриятлари билан ҳам из қолдирди. Зотан, «Ҳар тўқисда бир айб» деганларидек, баъзан номақбул ходисотда ҳам бир ҳикмат, сабоқ ёхуд ўғит мавжуд бўлади. Хусусан, туркий ва қардош халқларнинг адабиёти, санъатига янгича адабий тур

хамда жанрларнинг кириб келиши, Европа маданиятининг илгор тамойиллари билан якиндан танишиш, таржимачилик микёсларининг кенгайиши, маданий-маънавий алоқа ва таъсирларнинг кучайиши мазкур аср тараккиётининг мухим белгиларидандир.

Собик иттифок адабиётида катта мамлакат таркибига кирган хамма миллатлар сўз санъати учун бирдек дахлдор умумий коидаларнинг хукмронлик килгани сир эмас. Октябр тўнтариши арафаси ва ундан кейинги янгича адабиётнинг салмоқдор йўналишини бу халкларда шубхасиз пролетар адабиёти ташкил этган эди. 30-йилларнинг иккинчи ярмидан то улкан мамлакатнинг парчаланиб кетишига қадар бўлган вақт мобайнида эса уни социалистик реализм адабиёти дея аташ расм бўлди. Бирок XIX аср охирлари ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида ўзгача реалистик тасвирга, фош этувчи ва танкидий талкинга асосланган адабий ҳаракатларнинг, йўналишларнинг бўлганлиги ҳам аён. Кўп ҳолларда бу адабий йўналиш намояндалари мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумнинг никобларини ечмоққа интилишди, иллатларни — кабохат, истибдод, гофилликни коралашди. Тузумни тузатишнинг йўллари хакли равишда илму маърифатдан, халқаро микёсларга эзгулик билан чиқишдан, миллий эрк ва ҳуқуқни камол топтиришдан, миллий сергаклик ва уйғоқлик гоёларидан излашди.

Собик тузум халқлари адабий жараёнида ягона хукмрон йўл-йўриқларга бўйсуниб изчил ва катъий давом этган. Шунингдек, муайян адабий йўналиш хамда ходисанинг таъсирчанлик доираси деярли барча адабиётларни камраб олиш имкониятига эга бўлган. Юкорида таъкидлаганимиз шартли белгиланган икки йўналишни ўзбек адабиётидагина эмас, рус, озар, грузин, козок, киргиз, туркман, украин, татар ва бошқа адабиётларда кузатмоқ мумкин.

Аммо якин мураккаб кечмишимизнинг адабий ҳаётига бугдай карашлардан муадао адибларни катъиян икки ёки уч тоифага ажратиб ташлаш, кайсиларинидир ибрат килиш ёки инкор этиш эмас. Шу маънода адабиётни даврлаштириш хам хамиша нисбий ва шартли эканлигини унутмаслик керак. Мақсад шундаки, тарихдан қандай эзгу сабоқлар, анъаналар, кадриятлар қолганлигини чуқур фахрламоққа интилиш жоиз. Шундагина улар тажрибаси имкониятлари бекиёс бўлган истикбол адабиёти тараккийси учун қўл келади. Бу эндиги замон адабий жараёни муаммоларини ечишга хам ёрдам беради.

Шубхасиз, бугунги бадиий сўз эркинлигини, адабий-назарий карашларни, поэтик тафаккурни, ижодий имкониятлар қўламини кечаги кун аҳволоти билан тенглаштириб бўлмайди. Биргина хозирги ўзбек адабиёти мисолида истиклол даврининг нақадар ўзгаришларга бой кечаётганлигини англамоқ қийин эмас. Эркин ва мустақил Ватан адабиётидаги ўзгаришлар, ўнгланишлар, янгиланишлар силсиласи айни чоқда янги-янги вазифа-муаммоларни кун тартибига қўймоқда. Булар хам кечаги тарих тажриба мактабидан керакли сабоқлар олмоқни, халқона кадриятлар мохиятларини чуқур идроклашни, ижтимоий тараккиёт қонуниятларидан етарли бохабар бўлишни такозо қилади. Бугунги адабиёт миллий заминнинг кадриятларига садокатни ва собитликни қанчалик талаб этса, умумжаҳон адабий тафаккуридан баҳрамандликни ва жаҳон тараккиёти масалаларига боғланишни шунчалик талаб этади.

Истиклол йиллари адабиётида рўй бераётган умидбахш тамойиллар нималардан

иборат? Ўтмишнинг қайси адабий кадриятлари сақланиши, янгича шаклларда давом этмоги зарур? Миллий ҳаёт кадриятлари ҳозирги замон адабиётида қандай акс этаётир? Адабиётимиз ижтимоий тараккиётнинг «ўтиш» даври суронларига нечоғлик «бардош» бераётибди? Адабий алоқаларнинг энди қай кўринишларда бўлгани макбул? Қандай адабий таъсирлар миллий адабиётда ўзини оқлаши мумкин?...

Ҳозирги адабий жараённинг бу қаби ўйлантирувчи масалалари кўп. Уларнинг ҳеч бирига лоқайд қараб бўлмайди. Қар қайси муаммо ёхуд масаланинг адашилмай тўғри, оқилона ҳал этилишигина мустақил миллий мафкурага самара келтиради. Истиклол маънавий оламини мустақкамлашга ёрдам беради.

Янги давр адабиётга ҳар жихатдан имконлар яратди. Адабиётда реалистик тасвир чуқурлашди. Маддохлик ва зўрма-чўраки оҳанглар барҳам топди. Классик адабиётдаги қадимий анъаналарга мурожаат қучайди. Мумтоз бадиий намуналар нашри кенгрок йўлга қўйилди. Катагон қилинган адиблар асарлари чоп этилди, уларнинг тадқиқи ва тарғибига қиришилди. Шунга ўхшаш хайрли натижалар миллий сўз санъатининг янғича ижтимоий тараккиётга муносиб юксала олажагига умид уйғотади. Аммо булардан, адабиётимиз мустақид тузум шароитидаги ҳамма гоъвий-эстетик орзуларини рўёбга чиқара олди, деган ҳулоса пайдо бўлмайди.

Мустақиллик шарофати туфайли юзага келаётган янгиликлар, кўзга ташланаётган бадиий тафаккурнинг янғича уфқлари кўнғилларни қувонтиради, албатта. Лекин адабий ҳаётда жуда долзарб вазифалар ва муаммолар бор. Бизнингча, улардан энг муҳимларини айрича таъқидлаш зарур:

1. Истиклол йиллари миллий адабиётимиз ўзғаришларини ижтимоий тараккиёт хусусиятлари замирида илмий-назарий жихатдан ўрганиб чиқиш. Мамлакат микёсида муайян анжуманлар ташқил этиб, адабиёт ва санъатнинг мустақиллик шароитидаги ривожини таҳлил этиш, долзарб ва умумий вазифаларни белгилаб олиш.
2. Ўзбек адабиёти ва санъатининг истиклол даври тараккиёт хусусиятларига ҳамда ранг-баранг масалаларига адабиётшунослик, адабий танқид, санъатшунослик, фалсафа, педагогика илмлари диққатини чуқуррок жалб этмок жоиз. Давр афзалликларини, миллий кадриятлар тикланишини, маънавият ва эътикод туйғусининг етакчи мавкега кўтарилишини адабий ва назарий қарашлардаги янғиланишни, ҳаёт ҳақиқати билан бадиий тасвир мутаносиблиги даражаси ва ҳоказоларни тадқик этиш.
3. Ўзбекистонда жаҳондаги турли халқларнинг адабиётини ўрганиш ва маълум даражада тадқик қилиш жараёнини йўлга қўйиш. Жумладан, келгусида Жаҳон адабиёти институти очиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу даргоҳад муайян йўналишлар асосида таҳсил ва тадқикот ишларини амалга ошириш мумкин. Чунончи, унда туркий халқлар, араб халқлари, Европа халқлари, Америка халқлари адабиётлари қаби бўлимлар фаолият кўрсатиши мумкин. Шу асосда жаҳон адабиётининг муносиб ва ибратли ходисаларини, анъаналари, бадиий намуналарини кўрсатиб бориш имкони вужудга келади.
4. Муайян институт (масалан, Жаҳон адабиёти) ёхуд Ёзувчилар уюшмаси тарқибда адабий таржимонлар тайёрлаш таҳсилгоҳини ва уларнинг иттифоқини ташқил этиш қерак. Шарқона эътикод ва шарқона маънавият тараккийсига кўмак берадиган бадиий

ижод намуналарининг сифатли таржималарини уларнинг ўз аслиятидан амалга ошириш тажрибасини шакллантириш зарур.

5. Собик итгифок таркибида яшаб келиб, эндиликда мустакил давлатларга айланган кардош ва якин халклар билан адабий, маданий алоқаларни янгича усулларда тикламок, ўзаро адабиёт ва санъат кунлари, хафталикларини уюштириб бориш, бундай алоқаларни бошка узок хорижий мамлакатлар маданияти билан хам ривожлантириб бормок мумкин.

6. Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг энг ёркин асарлари билан дунё халklarини таништириш максадига мувофик келадиган тадбирларни ишлаб чикиш. Шу маънода муайян хорижий адабиётшунослик ва ўзбек адабиётшунослигига ихтисослашган мутахассисларни Ўзбекистонда, шунингдек, турли чет мамлакатларда тайёрлашни режалаштириш даркор.

7. Китобларни нашр этиш, таржима килиш, китоб савдосини йўлга кўйишда халкнинг эътикод, иймон, маънавият, дунёкараш тарзларини бош нуктаи назар даражасига кўтариш керак. Адабиёт ва санъат, маданият ва маърифат, мактаб ва маориф масканлари, муассасалари, марказлари таргибот-ташвикот жараёнларида авлодларнинг миллий кадриятлар рухида, умуминсоний эзгуликлар рухида камол топишларига ёрдам берадиган асарларгагина таянишлари, ёшларни чалгитувчи, бузувчи, адаштирувчи манбалардан уларни саклашлари хам зарурдир. Бунда эстетик ва ахлокий сергаклик, хушёрлик, талабчанлик мухим.

8. Ўзбек адабиётида энди яратилиб, нашр этилажак асарларнинг муайян мухокама коидаларини ишлаб чиқмок ва шу анъанани адабий жараёнда доимо давом эттирмок фойдалидир. Негаки маънавий комиллашишга манфаат келтирмайдиган, гоъвий-бадий савияси ўта саёз бўлган, чинакам шеърият, наср, драматургия хақидаги тасаввурларни колоклаштирадиган китобларнинг босилиб чиқаётганлиги сир эмас. Кейинги йилларда турли «асар»ларнинг серхато ва сифатсиз чоп этилаётган холлари хам тез-тез учраб туради. Хусусан, вилоятларда амалга оширилаётган нашр жараёнларига масъулиятни ошириш зарур кўринади.

Мустакиллик хаётимизнинг барча жабхаларида улкан ва фавкулудда ўзгаришларга сабаб бўлди. Ижтимоий тараккиётимизнинг бу улугвор даври хар сохада ўз микдор ва сифат янгилекларини талаб этаётир. Истиклол деган муборак неъмат тарих сабокларини унутмасликни, узок-якин ўтмишнинг бой тажрибаларидан, самарали кадриятлар ва анъаналаридаи фойдаланишни, умумбашарий манфаатларни назардан кочирмасликни, миллий ўзига хосликни йўкотмай ва шу асосда жахоний микёсларда ўзлигини намойиш этишни такозо килади.

Хозирги замон ўзбек адабиётида ижтимоий тараккиёт конуниятларини теран хис этмок, мамлакат маънавий мавкеини юксалтиришга баркамол бадий намуналар яратиш билан хисса кўшмок харакати йўк эмас. Миллий адабиётдаги бу янгиланишни, ўнгланишни, теранлашишни камол топтириш лозим. Сўз санъати хамиша хам новаторликнинг хилма-хил кўринишларини зарурият килиб кўяди. Бу эса хеч качон мавжуд анъаналардан воз кечиш ёки четлашиш хисобига рўй берадиган адабий ходиса эмас. Аксинча, давомий адабий кадриятлар, тажрибалар доимо халк турмуш тарзига чамбарчас боглик бўлганликлари боис яшовчандирлар ва адабий новаторликнинг пойдеворларидир.

Кейинги йиллар шеъриятимиз ва насримиздаги баъзи ибратли йўналишларни эслайлик. Мустакиллик ижтимоий ҳаётда халкка эътикод эркинлигини берди. Исломиё амаллар ижросига ташна кишилар бемалол ибодат киладиган бўлди. Исломиё китоблар, Куръони Карим, ҳадислар нашр этилди. Асрлар мобайнида бош фазилатларидан бири худди шу эътикод саналган шеърият XX асрда мажбуран даҳрийлаштирила борган эди. Катор кардош халклар поэзияси сингари унда ҳам маддохлик, ёлгон ёзиш, дохийларни улуглаш авж олган эди.

Янги ҳаётдаги ҳаётбахш насим шеъриятнинг боғларида ҳам эса бошлади. Бевосита чин эътикодга даҳлдор шеърият пайдо бўлди. Шоир Абдулла Орипов мавзуга биринчилардан бўлиб кўл урди. Унинг «Хаж дафтари» туркуми шеърхонлар томонидан кизгин карши олинди. Шундан сўнг Сирожиддин Саййид, Шукур Курбон, Мирзо Кенжабек, Усмон Азим сингари ўнлаб шоирларнинг туркум шеърлари чикди. Деярли барча шоирларнинг дунёвий мавзулардаги шеърларида ҳам илохият ҳаёлининг, исломиё иймон ифодасининг намоён бўлиши, аслида, истиклол имкониятлари туфайлидир. Шеъриятнинг янги даврда ўз кадим анъаналарига кайтиши козок, киргиз, туркман адабиятларида ҳам кўзга ташланаётир.

Кўринадики, мазкур тенденция кадимий илдизига эга, ҳаётий-конуний асосларга молик. Ижтимоий тараккиётнинг янги боскичи унинг ривожига эркинлик бахш этди. Шундай экан, маънавиятнинг муҳим кирраларини бойитишга йўналтирилган шу зайлдаги ижобий ходисаларни адабий алокалар негизда кузатиш, уларнинг ютук, камчиликларини тахлил килиш хар жихатдан фойдалидир.

Бир вақтлар кўпмиллатли, аммо ягона саналган, ижодлари ўз тилларида яратилган адабиятларнинг мажбуриятлари, хато ва муваффакият йўналишлари ҳам бир-бирига хамоханг эди. Энди уларда хусусий тараккиёт кирраларининг кўпрок кўзга ташланиши табиий. Халклар дўстлиги, интернационализм деган тушунчаларга собик жамиятда сиёсий тус берилган. Бу гоёлар, умуммаънавият кўпинча миллий хослик заминидан айрича холат-ходиса сифатида каралган. Вахоланки, муштараклик туйғуси хар бир халкда табиий равишда мавжуд ва у хар миллатнинг ўзига хос маънавият тарзидан туриб кўриниш беради. Бу гоёларни хозир турли халклар шеъриятида ҳам кузатиш мумкин. Адабий алокаларни янада мустахамлаш шу жихатдан ҳам тажриба алмашишга, кардошликни чуқурлаштиришга, халклар маънавиятларини ҳамжихатликда бойитишга олиб келади, Ижтимоий тараккиётдаш сиёсий, иктисодий, маданий ҳамкорликларга хисса бўлиб кўшилади.

Истиклол адабиятининг яна бир муҳим ўзгариши реалистик тасвир масаласида кўзга ташланади. 80-йилларда жамиятнинг инкирози, тургунлига, иллатларга бойлишни фош этувчи кўплаб бадий намуналар пайдо бўлган, адабий жараёнда уларнинг кўпчилига сезиларли из колдирган эди. Валентин Распутиннинг «Ёнгин» киссаси (рус), Туркиш Жумагелдиевнинг «Кочиш» романи (туркман), Огамали Содикнинг «Бошсиз» хикояси (озарбайжон) ва бошкалар шулар жумласидан. Улардаги фош эташ руҳи ҳаётни хаққоний манзараларда кўрсатиш борасидага аввалга тасаввурларни анчайин ўзгартаришга ёрдам берган эди. Албатга, мустакиллик ва истиклолга эришмок мавжуд барча иллатлардан бирданига халос бўлмокни англамайди. Шу сабабли адабият

зиммасидага фош этувчи реалистак талкин талаби ҳам осонликча сокин тасвирга ўз ўрнини бўшатиб бермаслига мумкин.

Ўзбек адиби Тохир Малик «Шайтанат» номли уч китобли киссасида махфия мавзусини кенг кўламда, полифоник тарзда ёритади. Ўнлаб қахрамонлар характерларини чуқур драматизм, психоанализ, коллизиялар асосида тасвирлайди. Сюжетни кенг тармокли, кескин ва зиддияти ўткир воқеалар асосига куради. Ёзувчи барча ҳолат-ходисаларни, қахрамонларнинг маънавий оламини, дунёкараш тарзларини исломий эътиқод нуктаи назари билан кузатади. Асар пафоси фалсафийлига, жозибаторлига билан диққатни тортади. Тоғай Муроднинг «Отамдан колган далалар» романи эса ўзбек халқининг XX асрда бошидан кечирган муҳим воқеаларини ўзига хос бир услубда баён қилади. Унинг мантагидан мудҳиш йиллар билан истаклол даври қиёси табиий йўсинда зехнимизга ўрнашади.

Эркин ижод ва фикрлаш, эркин ёзиш ва бадиий ҳукм чиқаришнинг бундай имкониятлари социалистик реализм адабиётида бўлган эмас. Шунинг учун катор-катор асарларда реалистик тасвирнинг бирёқламалигига, чекланганлигига дуч келамиз. Шу боис детектив иаср тараккиётига йўл берилмаган. Искандар Каландаровнинг «Шоҳидамас, баргида» (1962) сингари кескин сюжетли детектив асари ёлгонларни ифодалаш деб қораланган. Эндиликда ўзбек миллий детективи тўла шаклланган адабий йўналишдир. Китобхонларнинг ва адабий жамоатчиликнинг унга маънавий эҳтиёжи ҳамда кизиқишлари катта.

Янги давр бадиий асарларида миллий характер ва миллий воқелик талқини орқали умуминсоний гоёларни изҳор этишга интилиш равшан сезилади. Инсон омили, яшамокнинг чинакам моҳияти, дунёни фалсафий теранлик билан идрок қилиш, ҳеч бир одам ва миллатнинг Она-замин ва бутун инсоният муаммоларидан мосуво эмаслиги қаби гоёларни қуйлашга мойиллик қучайган. Хусусан, шоирлар бу ҳолатларни истиклол имкониятлари сифатида ҳақли эътироф этаётирлар. Шоир Усмон Азим шундай ёзади:

Юлдузларни борар окизиб
Бошим узра йўловчи дунё...
Ўтмок нега, ахир, гард бўлиб,
Мен, ахир, дард бўлмокчиман, о!
Хабар бергин, кўнглим, фалакка —
Мен янгича яшай бошладим:
Ёкамгамас, кара, юракка
Сизиб тушар аччик ёшларим...

Тарихнинг аччик изтироб-сабоқларини эсдан чиқармай, ўз руҳида оламшумул дардларни, янгича шижоатни ҳис этмок, айна ҳолатни халқнинг янгича яшай бошлаш жараёни билан

уйгунликда ифода килмок саодати хозирги адабиёт вакилларигагина насиб бўлган бахтдир. Озод ва обод, хакли ва хукукди жамият учун, инсон манфаатлари ва фаровонлиги учун интилаётган Ватан адабиётининг каноати-шукронаси айни чокда ўзбек халкининг калб садосидир.

Халklar ижтимоий тараккиёт тарихининг хар кандай даврида моддий иктисодий хамкорлик ва ибратланишлар талаб килингани каби маънавий, маърифий, маданий алокалар хам мудом конуний эхтиёждир. Зотан, асоси миллий борлик ва миллий онгга такалган чинакам адабий кадриятларнинг юксаклиги уларга ўзга халklarнинг рагбат хамда мухаббат мавкелари билан белгиланади. Шундай экан, истиклол шахдам одимлаётган кезларда миллий адабий кадриятлар ва уларнинг жахоний микёсларга интилиши табиий бир холдир. Улугвор вазифа ва муаммоларнинг хал этила бориши эса ўз-ўзидан авлодларни маънавий баркамоллик сари бошлайди.

Тохир Шермуродов

«Мустакиллик ва ижтимоий тараккиёт». Илмий ишлар тўплами. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил.